

## Аллоҳ рози бўлсин, ўғлим



08:00 / 09.07.2020 2778

Абу Алидан ривоят қилинади: «Қотиъийнинг онаси вафот этди. У онасини Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳнинг ёнига дафн қилди. Бир неча кундан сўнг тушида онасини кўриб, ундан сўради:

- Аллоҳ сизга қандай муомала қилди?

- Аллоҳ сендан рози бўлсин, ўғлим. Мени ҳар кеча қабрига раҳмат ёғиладиган инсон ёнига дафн қилибсан. Унга ёғилган раҳмат бутун қабристон аҳлини қамраб олди, уларнинг ичида менга ҳам насиб этди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**